*Истиқлол ва миллий қадриятларимиз*

# XI. ТАРИХНИНГ ТАРБИЯЧИЛИГИ НИМАДА?

***Миллий тарихимизни ўрганиш ва ундан бугунги, эртанги ҳаётимиз муаммоларининг энг ижобий, энг самарали ечимларини топиш жараёнларида ижодий фойдаланиш ҳамиша кун тартибидаги янгидан-янги долзарб масала бўлиб қолаверади. Биз бундан ҳеч қачон чекинмаймиз. Зеро ҳаётимиз давом этар экан, тарихимиз ҳам биз билан бирга яшайверади, олдимизга вазифалар қўяборади.***

Бугунги мавзуимиз ўзбек жадидчилик ҳаракати тарихини ўрганиш, уни баҳолаш, турли нуқтаи назарлар устида Тошкентда бўлиб ўтган халқаро илмий анжуман атрофида боради...

Шу йил 16-17-18 сентябрь кунлари Президент ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси биносида муҳим бир тадбир бўлиб ўтди. Унинг моҳияти, ғоявий мундарижаси шундай изоҳланган эди: XX аср бошларида Марказий Осиё: ислоҳот, янгиланиш, тараққиёт ва мустақиллик учун кураш. (Жадидчилик, мухториятчилик, истиқлолчилик).

Халқаро миқёсда ўтказилган мазкур анжуман ташкилотчилари ҳам ғоят салмоқли, юқори мавқега эга муассасалардан иборат бўлганининг ўзиёқ эътиборга лойиқ. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси, Ўзбекистон янги тарихи маркази, Ўзбекистон Фанлар академияси, Тарих институти, Конрад Аденауэр номидаги жамғарма, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази, Марказий Осиёни тадқиқ этиш Франция институти сингари обрўли ташкилотлар мазкур анжуманнинг ташкилотчилари бўлишди.

Ҳар куни эрталаб соат 9 дан кеч олтигача уч кун давом этган йиғинда республикамиздаги олимлар билан бирга хориждан — АҚШ, Франция, Нидерландия, Татаристон ва бошқа жойлардан келган тарихшунос, адабиётшунослар ўз маърузалари билан қатнашдилар, қимматли фикрларини баён қилдилар, айтилганлар юзасидан шундай қизғин баҳслар, мунозаралар бўлдики, мажлислардаги 7-8 соатлаб қимир этмай ўтириш ҳеч кимга малол келгани йўқ десак бўлади.

Шунинг ўзиёқ қатнашувчиларнинг масалага нақадар қизиқиб қараганлари, айни шунинг учун ҳам мутлақо зерикмай ўтирганлари ҳақида тасаввур берадики, бу бежиз эмас эди-да?!

Шу анжуманда бизга маълум бўлган яна бир эътиборга лойиқ, таъкидлаш шарт бўлган нуқта бор эди — бу шундан иборатки, бизда то Истиқлолга етиб келгунимизча ҳам миллий тарихимизга оид ишлар, тадқиқотлар бўлган. Аммо барча соҳалар каби, жадидчилик тарихи устида қачон бирор гап очилса, бу оқим ёки ҳаракат фақат зарарли ғоядан иборат қилиб кўрсатилган, сохталаштирилган, миллий тарихимизда энг салбий жараён сифатида талқин этилган. Бундай ясама таърифу тавсифлар кўплаб ёш тадқиқотчилар, илмий ходимларни чалғитган, ўз тарихимиз тўғрисида ўзимизда ноҳақ тасаввур, нотўғри тушунчаларни шакллантирган. Жумладан, камина ҳам 1950 йилларнинг ўрталарида Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижодини биринчи ўрганишга қадам қўйган кезларимизда жадидчилик ҳақида ҳам фикрлаш зарурати туғилган; чунки Абдулла Қодирийнинг ижоди бу билан бевосита боғланиб кетгани маълум. Хуллас, шунда биз ўша вақтдаги айрим ўзбек тарихчи, файласуф олимлари ишларида баён этилган фикр-мулоҳазалар таъсирида жадидчиликни миллий буржуазия синфи манфаатларини ҳимоя қилувчи ғояларни тарғиб этувчи, демак, шўролар мафкурасига тамоман ёт бир дунёқараш деб, ҳатто «бизга зарарли оқим» деб изоҳлаганмиз... ўз ўқиганларимизни таҳлил этиш эмас, қандай бўлса, шундай тушунишдан нари ўтолмасдик. Аммо, ўша қалтис тарихий вазиятларда ҳамма воқеа-ҳодисаларга теран онг ва тафаккур билан қарай оладиган икки сиймо—домла Иззат Султон билан Иброҳим Мўминовлар, каминанинг ишларидаги жадидчиликка оид тўрт саҳифани чиқариб ташлаб, «сиз бу масалани ҳал қилолмайсиз, ҳозирча қўя туринг!» деб секингина огоҳлантириб қўйганлари ҳамон эсимдан чиқмайди.

Яна бир муҳим нуқта: ишнинг «20 йиллар ўзбек адабиётида проза» сарлавҳали биринчи бобида бир қатор жадид ёзувчилари билан бирга Садриддин Айний, Ҳамзанинг насрий асарлари ҳам тилга олинади. Айнийнинг «Эски мактаб» асари устида ҳаддан ташқари «қайнаб» бутун эски мактабу таълим-тарбияга ўзимизча «ҳужум» қилиб юборибмиз. Шу ердаги қарашларимиз Иброҳим Мўминовга малол келиб, «Эски мактаблар сиз айтганча ҳаммаси ҳам ёмон бўлган эмас. Ўша Алишер Навоий, Ибн Синолар ҳам эски мактабдан чиққанлар» деб изоҳлаганлари ҳам каминани жуда ҳушёрликка чақирган. Мен индамай қолдим. Домла Иброҳим Мўминов ҳам бошқа ҳеч нима деганлари йўқ... Мана шу суҳбатлар, мулоҳазалар — унча очиқ-ёруқ бўлмаса-да бизнинг етук зиёлиларимиз қалблари тўрида ўтмишга, миллий тарихимизга, айниқса, жадидчилик ҳаракатига нисбатан бемалол айтолмай юрган дардларини аниқ кўрсатиб турарди... Демак, йирик олимларимиз ўз ўтмишимизга беҳурматлик билан қарашдек зарарли уринишлардан ёшларни сақлаб қолиш тўғрисида ғамхўрлик қилганларини биз энди тушуниб турибмиз, минг раҳмат шундай пок ниятли аждодларимизга!..

Бошлаган мавзуимизнинг бундан қарийб 30-40 йиллар илгариги фаолиятларимизга ҳам тегишли нуқталари бўлгани учун, жиндек ортга назар ташлаб ўтдик, зеро бу аниқ ҳаётий мисоллар билан бугунги маънавий юксалишимиз ўртасидаги муайян муштараклик борлигини исботловчи кичик бир далил бўлиб қолади... Энди юқоридаги асосий мавзуни давом эттирамиз.

Биз бундан 20-30 йиллар илгари — бутун тарихимиз сохталаштириб юборилаётган, ҳаммасини қоралаб, инкор этишга мажбур қилинаётган йилларда дунёнинг бошқа ҳудудларида, жумладан, Франция, Ирландия, АҚШ, Германия, Туркия ва бошқа хорижий мамлакатларда Ўрта Осиё халқлари, жумладан, ўзбек халқи тили, тарихи, адабиёти, маданияти, жадидчилик оқимининг шаклланиши, ривожланиши, унинг ғоявий йўналиши, етакчи, сиймолари ҳаёт ва ижодий фаолиятини ўрганиш, тадқиқ этиш муттасил давом этган экан... Бизни бутун дунёдан ажратиб, атрофимизни тиканли сим билан ўраб олган мустамлакачи шўролар буларнинг бирортасига яқинлаштирмай, ҳамма ишни ўз хоҳишларича амалга ошираверганлар... Эндиликда юқорида номлари тилга олинган ва олинмаган бир қатор мамлакатлардан келган олимларнинг маърузаларидан биз буларни билиб олдик...

Бу ҳам буюк Истиқлолимиз шарофати эмасми?! Яқингинада, истиқлолимизнинг дастлабки йилларидаёқ жаҳондаги энг ривожланган давлатлар билан бевосита алоқаларга кириша бошлаганимизда — Франциянинг марҳум собиқ президенти Франсуа Миттеран билан Президентимиз биринчи учрашганларида Франциядек катта мавқега эга мамлакат раҳбари бизнинг миллий тарихимиз, буюк саркарда ва давлатимиз раҳбари бўлган Амир Темур даври, шахси, тарихи, унинг жаҳон маданий, маънавий, иқтисодий тараққиётига қўшган ҳиссаси ҳақида гапирганда қалбларимиз фахр ва севинчдан тўлқинланган, миллий ифтихоримиз бутун вужудимизни яйратиб, бошимизни кўкка кўтармаганмиди...

Бугун эса, ўша юртдан келган француз олим — доктор Винсент Фурньё — Тошкентда ўтган жадидчилик тарихига бағишланган халқаро анжуманнинг ташкилотчиларидан бири бўлиб, унда тоза ўзбек тилида маъруза қилиб, яна ҳавасларимизни келтирди. Германиядан келган профессор — Ингеборг Балдауф эса, ўзбек тилида эркин маъруза қилиш билан чекланмай, гап орасида тоза миллий тилимизга хос айрим мақол ва маталларда ишлатиладиган сўз ўйинларини ҳам талаффуз этиб, залга қувноқ, беғубор кулги ва хушкайфият ҳадя қилиб туришлари таҳсинга сазовор эди...

Бу жиндак «лирик чекиниш» мазкур анжуман иштирокчисининг шахсий бир руҳияти холос, аммо унда ўзига хос миллий ҳиссиёт ёғилиб турарди; бинобарин, муҳокама қилинган масаланинг бутун моҳияти ана шу ҳис-туйғулар билан йўғрилиб кетганини ҳар бир онгли иштирокчи, яна таъкидлаймиз — фақат онгли иштирокчи уч кун давомида эрталабдан кечгача сезиб турди. Шунинг учун ҳам йиғиннинг бирор они ҳам зериктирмади. Илмий анжуманларда бундай руҳнинг мавжудлиги жуда катта аҳамиятга эгадир. Демак, барча иштирокчилар диққат-эътибори бир нафас ҳам чалғигани йўқ...

Маърузаларнинг ҳаммаси деярлик, Ўрта Осиё мусулмонлари онгида XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида шаклланган янги тафаккур, миллий озодлик, миллий мустақиллик ғоялари, унинг олий мақсади, халқ ва жамият олдига қўйган вазифаларига доир талай қимматли фикр-мулоҳазаларни баён қилишга бағишланди. Кўпдан-кўп илмий, назарий муаммолар, уларнинг энг самарали ечимларини излаш ҳаммасида етакчилик қилгани аниқ кўзга ташланиб турди. Шу билан бирга, айтиш мумкинки, аксариятида баҳсли ўринлар бисёр бўлди. Бундай нуқталар ўзимиздаги олимларда ҳам, хориждан келганларда ҳам бор эди. Шу сабабдан бўлса керак, баҳслар маърузалардан ҳам қизиқарлироқ ва қизғинроқ ўтди, вақт-соатлар талаш бўлди десак-да, хато бўлмаса керак...

Баҳсли нуқталарнинг ҳаммасига тўхтаб ўтиш қийин. Аммо назаримизда унда энг муҳими жумладан шулар эди: Ўрта Осиё мамлакатларида жадидчилик ҳаракатининг келиб чиқиши, шаклланиши, ривожланиши даврини белгилаш; мазкур ҳаракат етакчиларининг ҳаёти ва фаолиятига баҳо бериш; Туркистонни чор Россияси босиб олган даврида миллий озодлик ҳаракатлари; қизил империя ҳукмронлиги давридаги жадидчилик ҳаракати; октябрь тўнтариши, унга жадидларнинг муносабатлари; ўзбек ва бутун Туркистон жадидларининг октябрдан кейинги фаолиятлари каби бир қатор мавзулар, муаммолар анча баҳсларга сабаб бўлди. Аммо фикр олишувлар, мунозаралар, айрим қўполроқ нуқталарни ҳисобга олмағанда, асосан илмий-назарий одоб доирасида бўлди...

Шуниси диққатга лойиқки, барча маърузаларда, баҳс-мунозараларда жадидчилик ҳаракати тарихини чуқур ўрганиш, унга тўғри илмий баҳо беришнинг тарбиявий аҳамияти, бунга Ўзбекистонда фақат Истиқлол туфайли эришилаётгани якдиллик билан ҳар чиқишда таъкидланиб турди. Бу асли жаҳон миқёсида юртимиз амалларининг тан олиниши, эътироф этилиши тасдиғидир...

Хорижлик ҳамкасбларимиздан бири — профессор — Ингеборг Бальдауф жаноблари «жадидчилик мусулмон оламида минг йиллардан олдин бошланган... Мусулмонлар тарихининг ҳар бир асрида ўз жадидлари бўлган» деган фикрни ўртага ташлади ва буни исботлашга уринди. Эҳтимол, агар тарихимизнинг ҳар бир асрида янгилик тарафдорлари, тараққийпарвар зиёлилари мавжудлигини кўзда тутиб, ҳаммасини жадидлар деб ҳисоблаш мумкин бўлса, мазкур мулоҳаза тўғри бўлиб чиқар. Бироқ — жадидчилик деган иборанинг ўзи тарихимизда XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида пайдо бўлди, айни шу давр ижтимоий, сиёсий тизимлар, ҳукмронлар, қарамлар, ғолиблар, мағлублар фаолиятидан келиб чиққан дунёқарашнинг шаклланиши билан боғлиқ-ку?! Аждодларимиз тафаккурининг бу даврга хос моҳияти худди шу тарихий вазиятлар билан боғлиқ бўлганлиги кўзда тутилса, бу тарих билан қадимий тарихни аралаштириб юборилмагани маъқул бўлса керак. Бир томондан тўғрилиги шулки, бирор дунёқараш бир кунда, бир онда тўсатдан пайо бўлиб қолмайди. Унинг ҳамиша узоқларга бориб тақаладиган чуқур тарихий илдизлари бўлади, жадидчилик ҳам худди шундай. Аммо дунёқарашлар ҳаётда содир бўлаётган муҳим ва катта воқеа-ҳодисалар билан боғлиқ ҳолда вужудга келади, ўз муносабатларини баён қилади. Агар биз шу жиҳатдан жадидчилик тарихига ёндошадиган бўлсак, унинг пайдо бўлиш, шаклланиш ва ривожланиш тарихини XIX асрнинг иккинчи ярми, яъни Туркистонни чор Россияси босиб олган даврдан бошлаб, Ўрта Осиё босқинчиларга қарши миллий мустақиллик учун кураш ғоялари шаклланиши даври билан изоҳлангани маъқул деб ҳисоблардик. Бу фикрни анжумандаги баҳсларда ҳам айтдик. Гарчи ҳар бир тарихий воқеа ўзидан илгариги ҳодисаларнинг муайян давоми сифатида пайдо бўлгани билан, ўзининг бошқалардан аниқ ажралиб турадиган хусусиятлари бўлган ва бўлади. Шуниси билан ўзини намоён қилади, тарихий вазифасини кўрсатиб туради... Ҳар бир тарихий вазифанинг ўзи айни ўша тарихий вазият тақозоси билан кун тартибига чиқади ва ҳал қилишни талаб этади. Бу ҳол воқеликнинг нисбатан чегарасини белгилаб туриб иш кўришга даъват қилади.

Баҳсларда кўпроқ ўртага тушган муаммолардан яна бири — жадидлар ва уларнинг етакчи намояндаларининг октябрь тўнтаришига муносабатлари ҳақида бўлди. Мунозара қатнашчиларидан икки шахс — жадидчилар октябрь инқилобини бутунлай рад қилдилар, қабул қилмадилар, унга бутунлай қарши чиқдилар деган фикрни айтди. Айрим далиллар, яъни архив ҳужжатларидан — матбуотда эълон қилинган бир-икки мисол ҳам келтирилди. Бироқ, XX асрнинг 10-20-йилларидаги кўплаб манбалар, бир қатор адабий-бадиий асарлар бунинг аксини кўрсатади. Тўғри, Беҳбудий, Фитрат, Мунаввар Қори қаламига мансуб баъзи ёзилмалар, (1917-1918-йилларда эълон қилинган) мулоҳазаларда октябрь кунлари мамлакатни вайрон қилаётгани баён қилинади. Жумладан, Фитратнинг «Юрт қайғуси» туркумидаги асарлари, Мунаввар Қорининг ва Беҳбудийларнинг ҳуррият берилмайди, олинади қабилида эълон қилинган қатор мақолаларида — халқни ўз озодлиги учун курашга даъват руҳи ғоят катта жасорат билан газеталарда чоп этилгани маълум. Шу умид билан шўроларга ишлаган — Ҳамза, Айний, Қодирий, Беҳбудий, Фитрат, Ғози Юнус каби бир қатор шахсларнинг фаолиятида биз бу ҳолни аниқ кўрамиз, улардан кўз юмиб бўлмайди. Агар улар ҳаммаси шўроларга душманлик қилган бўлса, ҳукмрон ҳар қандай давлат ўз рақибини истаганча жазолаши турган гап. Шўроларнинг бутун фожиаси шундаки, улар қатл этишга келганда дўст-душманнинг фарқи йўқ, озгина бўлса ҳам мустақил фикрлайдиган шахсни доим қириб туришни қонунлаштириб қўйган эди.

Айрим хорижий ҳамкасбларимиз ҳам шу фикрни маъқулладилар, шўролар фойдасига ишлаганларни санаб ўтдилар; аммо уларнинг қалблари тагида қандай нозик, айтиб бўлмайдиган фикрлари бўлганини ҳеч ким айтолмайди. Шунинг учун ҳужжатларга таяниб шарҳлаш зарурлигини таъкидладилар... Яна бир масала: жадидчилик ва дин, жадидчилик ва аёллар деган муаммо устида баҳс бўлди... Ҳар икки муаммонинг бири — аёлларга муносабат устида фикрлар бир ердан чиқди. Жадидлар аёлларни жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида баҳолаш, уларни ўқиш ва ишга даъват этиш тарафдорлари бўлганлари таъкидланди. Бунга бадиий асарлардан қатор мисоллар келтирилди. Бироқ, анжуманнинг айрим иштирокчилари орасида хилма-хил фикрловчилар бўлди. Биз бу масалада, илгарилари ҳам бир неча марта ёзганимизни, яъни жадидлар даҳрий бўлмай диний эътиқодда мустаҳкам турганлари, фақат динни суиистеъмол қилиб, бугунги ёвузлар сингари, дин номидан лоф уриб, ўз манфаатларини кўзловчи иймонсизларга қарши курашганлари ҳақида билганларимизни айтдик. 1913-14-йилларда хурофотчилар Беҳбудий ва унинг усули жадид мактабларига қарши ошкора ҳужум ва туҳматлар билан чиққанларида Беҳбудий махсус мақола ёзиб, жадидларнинг ҳақиқий мусулмонлардан иборатлигини, улар фақат бидъатга қаршиликларини, дин номини ўз қора ниятларига бўйсундирувчиларга қарши эканликларини чуқур тарихий далиллар, қатор амалий мисоллар билан исботлаб беради... Агар жадидлар мусулмон бўлмаса, дунёда мусулмон йўқ бўлиб чиқади қабилида теран фикр-мулоҳазаларини баён қилади...

Кўриниб турибдики, Ўрта Осиё жадидчилик ҳаракати тарихида ҳали ўрганиладиган муаммолар кўп, улар ўз ечимини кутади, бу соҳада ишлаётганлардан холислик, ҳалоллик, теран фикрлаш, бу ўта мураккаб мавзунинг бирор нуқтасига ёпишиб олиб, бирдан хулосага келиш, ўзи истаган натижада оёқни тираб олиш тўғри келмайди. Аждодларимизнинг тарихий тараққиёт йўллари ҳамиша худди ҳаётнинг мураккаб, хилма-хил гоҳо ўта чалкаш, илғаб олиниши қийин — нозик воқеа-ҳодисалар, лавҳали нуқталар билан тўлиб-тошиб ётибди. Моҳиятига чуқур кирган сарингиз янгидан-янги қирраларга дуч келаверасиз ва улардан бугунги ҳаётимиз учун ибратли томонларини учратаверасиз. Зеро, Юртбошимизнинг, ўтмишсиз келажак йўқ, деган кўрсатмалари бизни ҳамиша ҳушёрликка, фикрлашга, теран тафаккурга чорлаб туриши боиси ҳам шунда бўлса керак...

**Аҳмад АЛИЕВ.**

---

*Ёшлар — келажагимиз*

# БИЗ — ПРЕЗИДЕНТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

***Ёшлар — бизнинг келажагимиз, XXI аср миллий давлатимиз бунёдкорларидир. Юртбошимиз ҳам фарзандларимиз биздан кўра кучли, доно ва бахтлироқ бўлиши шарт, дея бежиз таъкидламаганлар. Бугунги кунда ёшларимиз маънавияти, маърифатини кўтариш, онгини юксалтириш йўлида қилинаётган ишлар келажакда албатта ўз мевасини беради.***

Сергели маданият ва истироҳат боғининг ёзги саҳнасида ёшлар «Камолот» жамғармасининг туман ва шаҳар бўлимлари, Сергели туман ҳокимлигининг ташаббуси билан ўтказилган «Биз — Президент фарзандларимиз» деб номланган ёшлар форуми ҳам шу жиҳатдан олганда ниҳоятда мазмунли ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Рихситилла Акромов анжуман қатнашчиларини табриклаб, тинчлик-барқарорликни таъминлашда ёшларнинг ўрни катталигини таъкидлаб, замонавий билим асосларини ўзлаштираётган ёшларимиз ўз тафаккурлари, юксак маънавий онглари билан келажаги буюк давлат бунёдкорлари бўлишларига ишонч билдирди.

Республика ёшларининг «Камолот» жамғармаси раиси Ҳотам Абдураимов, Сергели тумани ҳокими Мидҳат Йўлдошев ҳам сўзга чиқиб, Ўзбекистоннинг келгуси асрдаги тараққиёти ва гуллаб-яшнаши ёшлар қўлида эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Сўнг Тошкент шаҳар ёшларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга мурожаати ўқиб эшиттирилди.

Навоий маҳалласи оқсоқоли З.Нарзуллаевнинг ёшларга тилаклари, Тошкент кимё-технология институти ва юридик коллежи талабаларининг ўз тенгдошларига қарата айтган дил сўзлари ҳам йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Ёш хонандалардан Абдувоҳид Рисқиев ва Жамшид Сагатов, ёш моделлар клубининг чиқишлари, Гулбаҳор Сулаймонова, Бахтиёр Султонов ва «Тошкент» гуруҳи, «Фирдавс», «Фаёд» гуруҳлари ижросидаги дилтортар қўшиқлар, шўх рақслар эса тадбирга йиғилган ёшларни беихтиёр даврага чорлади.

Ўйлаймизки, ушбу тадбир ёшларимизни миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялаш, қалбларига ватанпарварлик ҳисларини янада чуқурроқ сингдириш борасида муҳим ўрин тутди. Шу мавзудаги анжуманлар шаҳримизнинг бошқа туманларида ҳам бўлиб ўтди.

**Дилшод ИСРОИЛОВ.**

---

*Банкротлик*

# ТАҲЛИЛЛАР НИМАЛАРНИ КЎРСАТДИ?

***Тошкент шаҳар банкротлик ва санация масалалари бўйича комиссиянинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Раҳимжон Розмуҳамедов олиб борди. Унда молиявий зарар кўриб ишлаётган, банкротга учраб санацияга берилган корхоналар ишининг бориши ҳақидаги таҳлиллар кўриб чиқилди. Собир Раҳимов туманидаги банкротликка тавсия этилган корхоналар ҳақида мутасаддилар ва хўжалик судининг фикрлари тингланди.***

Биринчи масала юзасидан «Ёғочсоз»акционерлик жамияти фаолияти, 150-дорихонадаги аҳвол таҳлил қилинди. Шунингдек, «Енгилсаноатсервис»нинг кредитор қарзлари борлиги ва уларни қоплаш чоралари йўқлиги, «Маъдангеология» акционерлик жамиятида эса фақат олди-сотди билан шуғулланиб, иш самарасига эътибор берилмаётганлиги сабабли корхона банкрот деб топилиб, бу ҳақдаги ҳужжатлар ҳукумат комиссиясига юборишга топширилгани қайд этилди.

Йиғилишда «Малика» акционерлик жамиятининг раҳбари корхонанинг бугунги кундаги фаолияти юзасидан ахборот берди. Корхона қошида қўшма корхона тузилиб, акцияларнинг бир қисми сотиб олинган. Лекин шунга қарамай ишда ўзгариш сезилмаяпти. Корхона раҳбариятига режалаштирилган чора-тадбирлар 3—4 ой ичида бажарилиша ва кўрилган зарар йил охиригача қопланиши хусусида кўрсатма берилди. Унинг мониторингини назорат қилиш «Банкротлик ва санация» бошқармасига топширилди.

«Мадина-Т», «Ватан Диёри» акционерлик жамиятлари, «Коинот» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бизнес-режалари ҳақидаги ахборотлар ҳам тингланиб, бу корхоналарга маълум вақт ичида кўрилган зарар қопланишига ишонч билдирилди.

Ишда бурилиш ясаган «Ялла» давлат халқ ансамбли, «Лингва» кичик корхонаси, «ЎзРусолийгоҳ» кичик корхоналарига бундан кейин қарзсиз ишлаш чора-тадбирларини кўриш топширилди.

«Заминбанк», «Соғдиана ЭМ» кичик корхонасига ўтган давр, яъни 1 октябрь ҳолатигача бўлган муддат ичида молиявий зарарни қоплаш топширилди ва туман комиссиясига корхонани ўз назорати остига олиш вазифаси юклатилди.

Иккинчи масала юзасидан санацияга берилган корхоналардан «Тоштўқимачи» ва «Тоштўқимачимашинасозлиги» акционерлик жамиятида олиб борилган санация мониторингининг дастлабки натижалари ижобий самара бераётганлиги хусусида мутасаддилар ахборот беришди.

Мажлис охирида банкрот корхоналарни тугатиш бўйича хўжалик судининг ахбороти тингланди. Тугатиш ишларини қатъий назоратга олиш туман ҳокими ўринбосарлари зиммасига топширилди.

**Гули АБДУЛЛАЕВА.**

---

*Саноат*

# КОРХОНАНИНГ ЯНГИ МАҲСУЛОТИ




***Бугунги кунда мамлакатимиздаги мавжуд хом ашёни имконият борича ўзимизда қайта ишлаб чиқариш чоралари кўрилмоқда. Шаҳримиздаги кўпгина корхоналар бу борада тинимсиз изланишлар олиб бормоқда. Ана шундайлардан бири очиқ турдаги «Маишийкимё» акциядорлик жамияти ҳам шу йилнинг январь ойидан ўз фаолиятини янги усулда бошлади.***

Хусусан, корхонада яқиндан бошлаб машҳур «Ариел» ва «Тайд» кир ювиш воситаларидан қолишмайдиган «Лотос-У», «Бест», «Чайид» ва «Гўзал» деб номланган янги кир ювиш воситалари ишлаб чиқара бошланди. Мазкур маҳсулотлар учун зарур ҳужжатлар тайёрланиб, айни пайтда харидорларга кенг миқёсда тарқатишга ҳозирлик кўрилмоқда.

Корхонада сидқидилдан хизмат қилаётган 300 нафар ишчиларга барча қулайликлар муҳайё этилган. Жумладан, тиббий хизмат, душ, ошхона, дам олиш хоналари улар хизматида. Шунингдек, ишчилар бепул овқатланиб, турли ижтимоий ёрдам ҳам олиб туради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Аёллар йили муносабати билан бу ерда хизмат қилаётган ҳар бир хотин-қизга қўшимча беш кун меҳнат таътилига чиқишга имконият яратилган. Узоқ жойлардан қатновчи ишчиларга эса корхона қошидаги ётоқхонадан жой ажратилиб, барча қулайликлар яратиб берилган.

Корхонанинг янги маҳсулотлари ҳамюртларимиз томонидан яхши қабул қилинди.

**Усмон УСМОНОВ.**

**СУРАТЛАРДА: корхона фаолиятидан лавҳалар.**

**Муаллиф олган суратлар.**





Кўргазмалар

# ЎЗБЕКИСТОН XXI АСР БЎСАҒАСИДА



***Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобига бағишланган кўргазма Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида намойиш этилмоқда.***

Муаллифнинг кўп қиррали меҳнати маҳсули, мустақиллик йиллари давомида мамлакат ҳаётининг турли соҳаларида эришилган ислоҳот натижалари, муаммолар, аср якунида республиканинг тараққиёти ва ривожланиш истиқболлари, ҳуқуқий жамият қуриш, мамлакатимизда минтақавий хавфсизликни таъминлаш, ўзбек халқининг маънавий меросига эҳтиёткорона муносабат ва бошқалар кўргазмали шаклда очиб берилган.

Китоб жаҳонда юз бераётган ўта мураккаб муаммоларга чуқур илмий асосда ёндошган ҳолда муносабатларни, мустақил нуқтаи назарни ўзида акс эттирган, у жаҳоннинг кўплаб тилларига таржима қилинган ва жаҳон ҳамжамияти томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинган.

Мазкур асарда тилга олинган долзарб муаммолар нафақат бизнинг ватандошларимизни, балки хорижий мамлакатлар жамоатчилигини ҳам бефарқ қолдирмайди.

Китобда янги мустақил давлат — Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида тутган муносиб ўрни, обрўси, буюк вазифаларни рўёбга чиқаришга йўналтирилган у танлаб олган тараққиёт йўли очиб берилган.

Кўплаб хорижий сиёсий арбоблар, олимлар ва иқтисодчилар бу китобни чуқур таҳлил қилишмоқда ва ўрганишмоқда, негаки, унда XXI аср бўсағасида жаҳон ҳамжамияти дуч келаётган муҳим сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал этиш йўллари баён қилиб берилган.

Ундаги ғоялар ва хулосалар оддий назариётчининг кузатувлари эмас, балки янги даврдаги сиёсий арбобнинг кўп қиррали амалий фаолияти билан боғлиқ ҳаётий тажрибалари мевасидир.

Китобга ўзига хос безак бўлиб тушган мамлакатимизнинг машҳур фотомухбирлари Фарҳод Қурбонбоевнинг ва Владимир Ковреиннинг суратли экспозициялари муаллифнинг нақадар ёрқин, иқтидорли шахс эканлигидан ҳам дарак беради.

Марказий кўргазмалар залида катта муваффақият билан намойиш этилаётган икки қисмдан иборат бўлган ушбу мароқли кўргазма ташриф буюрувчиларда катта таассурот қолдирмоқда.

*(Ўз мухбиримиз).*

*СУРАТЛАРДА: кўргазмалар залида.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*




***Амир Темур ва темурийлар даври ижтимоий-сиёсий ҳаётида оила, аёллар мавқеи ва миллий тарбия муаммолари мавзуида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.***

Анжуманлар

# АЁЛ, ОИЛА, ТАРБИЯ

Анжуманда маърузалар билан чиққан академик Б. Аҳмедов, олимлардан Т. Файзиев, Н. Норқулов, О. Мусурмонова, Д. Бобожонова ва бошқаларнинг тарихий манбалар асосида темурийлар даври ижтимоий ва маданий ҳаётида аёллар мавқеи, жамият маънавий ҳаётида миллий тарбиянинг ўрни ва аҳамияти, буюк аждодлар маънавияти ва даврлар ҳамоҳанглиги, Ўзбекистон мустақиллиги ва аёллар, XXI аср ўзбек миллий оиласи модели каби илмий маърузаларида босиб ўтилган йўллар, юксалишлар, юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган, тарихда чуқур из қолдирган аёлларимизнинг намунаси, муаммо ва баҳсга сабаб бўлган масалалар ечимлари, оила — аёл — тарбиянинг уйғунлиги масаласидаги қарашларга эътибор қаратилди.

Анжуманда Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театри санъаткорларининг «Темурий маликалар» номли театрлашган чиқишлари анжуман қатнашчиларини ўзбек аёли ва умуман аёл тўғрисидаги юксак, пок маънавият тўғрисидаги фикрлар ва ҳис-туйғулар билан бойитди.

*Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.*

Назм

# ФИДОЙИ ЎҒЛИНГМАН, ОНА ЮРТИМ

(ТУРКУМДАН)

## МУСТАҚИЛ ЎЛКАМ

*Мустақиллик ризқу рўзим, бахтим бердинг,*
*Бир умрга татигулик тахтим бердинг.*
*Озод ўлка, обод ўлка яратгучи*
*Иймон ила қўшиб менга мардлик бердинг.*

*Боболарим ўз юртига қайтиб келди,*
*Кўп айланиб мардонавор етиб келди.*
*Мустақиллик сен уларга кенг йўл бердинг,*
*Ўз юртига енгил нафас олиб келди.*

*Бобожонлар Сизга меҳрим тўлиб тошди,*
*Юз эллик йил кўзларимдан ёшим оқди.*
*Минг шукрким буюк юртим ўз бағрига,*
*Сиздек буюк зотларини яна босди.*

*Яратганга шукрларким озод бўлдик,*
*Мустамлака юртни гўзал, обод этдик.*
*Эрк нима-ю карам нима энди билдик,*
*Озодликнинг нашидасин тотиб кўрдик.*

*Бунинг бари билинг элим тинчлигидан,*
*Тинчлиги-ю меҳнати-ю бирлигидан,*
*Бир-бирини ҳар бир онда қўллагандан*
*Бир-бирига чексиз меҳр йўллагандан.*

## ВАТАН МЕҲРИ

*Агар эрсанг сен чин инсон, Ватанингни сотмагил,*
*Она юртсиз сен кимдурсан, Ватанингни сотмагил.*
*Танда юрак уриб турса, Ватанингни сотмагил,*
*Бошга милтиқ тираб турса, Ватанингни сотмагил.*

*Тушса ҳамки бошга мушкул, Ватанингни сотмагил,*
*Заҳар-заққумларни ютгил, Ватанингни сотмагил.*
*Яхши кунларни сен кутгин, Ватанингни сотмагил,*
*Керак бўлса жондан кечгин, Ватанингни сотмагил.*

*Ватан сотиш — она сотиш билан тенгдур шуни бил,*
*«Чет»га қочиш, халқин сотиш билан тенгдур шуни бил.*
*Хоинларга меҳр-шафқат йўқдир, ҳардам шуни бил,*
*Бундайларга пок жамият ўқир лаънат шуни бил.*

*Она Ватан тупроғин сен кўзга суртсанг арзигай,*
*Ҳур ўлканинг мадҳиясин жондек севсанг арзигай.*
*Мустақиллик байроғини бошда тутсанг арзигай,*
*Нишонини олам узра кўз-кўз қилсанг арзигай.*

*Шундай юртинг борлигидан шукур қилгин сен албат,*
*Сенга насиб Мустақиллик шукур қилгин сен албат.*
*Дўстлар аро қўлинг баланд шукур қилгин сен албат,*
*Халқ ишончин оқлай билсанг шукур қилгин сен албат.*

*Ношукурлар Ватан меҳрин бир умрга билмагай,*
*Халқи берган нону тузни қадрига ҳеч етмагай.*
*Жоҳил эрур, фозил бўлмас, элда обрў топмагай,*
*Ватангадо номард кимса зорликдан чиқмагай.*

*Эй, юртдошим Ватанинг сев ўзга юрт Ватан бўлмас,*
*Ўз халқидин кечганларга ўзгалар меҳр қўймас.*
*Бегона юрт йўлларида Она тупроқ топилмас,*
*Билиб қўйки ўзбек элга ўзга юрт ҳеч тенг келмас.*

## БАҒРИ КЕНГ ЎЗБЕГИМ

*Бирон бир режа тузма,*
*Минг бор ўйламай туриб.*
*Дарёда якка сузма,*
*Тубини билмай туриб.*

*Бу гапда кўп маъно бор,*
*Кўрдим ҳаётда уни.*
*Ман-ман деган паҳлавон*
*Мункайиб юрганини.*

*Ўзбегимнинг бағри кенг,*
*У миллат танламайди.*
*Унга минг бор раҳмат денг,*
*Ўзгани хўрламайди.*

*Бизда шундай ният бор:*
*Ҳеч ким жон бермас бекор.*
*Элга ким озор берса,*
*Бўлсин доим юртга зор.*

*Ўйлаб кўринг Сиз бирдам,*
*Агар бирлик бўлмаса.*
*Холингиз не кечарди,*
*Нонингиз бут бўлмаса.*

*Қўл очиб дуо қилинг,*
*Бебахтликдан асрасин,*
*Элига меҳрини қўйган,*
*Инсонлар кам бўлмасин.*

*Абдували элу юрт,*
*Она тупроғини дер,*
*Бағри кенг ўзбек халқим*
*Оламда тенги йўқ дер.*

**Абдували ҒУЛОММАҲМУДОВ.**

Шарқ дурдоналари

# ЎЗ-ЎЗ ЎРГАНИБ ДОНО БЎЛУР...

● Бошқаларга нисбатан сенинг ҳурматинг ва муҳаббатингга сазоворроқ бўлган кишилар — булар қариндошларингдир. Чунки қариндошлар ота-онадан кейин сен учун энг яқин бўлган зотлардир. Сен уларнинг катталарига ота-онангга қандай муомала қилган бўлсанг, худди шундай муомала қил, кичикларини эса ўз ака-укаларинг ва опа-сингилларинг қаторида тут.

Қариндошларингнинг ҳаммасига муҳаббат кўзи билан боқ. «Қариндошим-ку, барибир мендан кечиб юборишмайди», деб уларга совуқ муомала қилма, чунки орада муҳаббат бўлгандагина қариндош бўлади. Қариндошлик муҳаббатга муҳтождир. Орадан муҳаббат кетдими, қариндошлар бир-биридан узоқлашади ва ётларга айланади.

Қариндошларингдан бирор кимса касал бўлиб қолса, ундан ҳол сўрашга боришни орқага сурма, ғамли ва шодлик айёмларида бирга бўл, уни адо қилиш учун бутун кучинг билан ишга кириш.

Сен ўз қариндошларингни улуғласанг, уларга нисбатан шафқат ва марҳаматингни ишга солсанг, уларга ихлос қўйиб муҳаббат билан яшасанг, энг чиройли хулқлар ва кўркам муомалаларни амалга оширсанг, шундагина сен қариндошчилик бурчига амал қилган бўласан.

Сен қариндошларингнинг барчасига ҳам севимли бўлишга интил, уларга фойда ва наф етказиш йўлини ўйла, бемаъни хулқ-ахлоқинг билан уларнинг нафратларини келтирадиган ишларни қилма, ўз ёмон кирдикорларинг билан уларнинг кўнгилларига ғам солма.

Мана шу баён қилинган насиҳатларга амал қилган кишининг қариндошлари уни иззат этади, яхши кўради, ҳар ишда ёрдам қўлини чўзади, яхши ном ва яхши сифатлар билан тилга олади. Агар сен шу қоидаларни ишга солсанг кейинчалик ҳам қариндошларинг сени мақтаб юришади, яхшиликларингни зикр этишади, чиройли хулқларинг ва меҳрибончиликларингни айтиб, руҳингни шод қилишади.

**Абдулқодир Нурий ал-БАРЗАНЖИЙ.**

● Панду насиҳат тингламоқ дилни ҳушёр ва сезгир, қалб ичини равшан ва мусаффо қилади. Халойиқ ҳар қандай қўпол, қаттиқ гапирувчи ва юзсиз одамни севмайди. Нодон одам синалмаган кишидан эҳтиёт бўлишни билмайди.

Энг ғофил одам шундай одамки, ўзининг айбини сезмайди, ўзгаларнинг айбини қидириш ва гапириш билан машғул бўлади. Икки одам ҳеч қачон камбағал бўлмайди: доно олим ва қаноат соҳиби.

● Бузургмеҳрдан сўрадилар:

— Ақлли одамлар нимага интилмайдилар?

— Нокасларнинг мақтовига ва пасткашларнинг ёрдамига, — деди у.

Яна сўрадилар:

— Билимсиз ким?

— Шошиб иш қиладиган ва ўз билганидан қолмайдиган, — деди у.

Яна сўрадилар:

— Донони ким зийнатлайди?

— Яхшилик қилиш, — деди у.

Яна сўрадилар:

— Ботирга нима яхши?

— Кечириш! — деди у.

Ундан яна сўрадилар:

— Ҳақиқий мард ким?

— Бировга нарса бериб, орқасидан шодланган ва ҳеч қачон миннат қилмайдиган киши, — деди у.

Яна сўрадилар:

— Ақлли ким?

— Бировдан ёмонлик кўрса ҳам унга қарши хусумат қилмайдиган одам! — деди у.

**«Қонуни ҳикмат»дан.**

ҲИКОЯТ. Нақл қилишларича, шер бир куни бўри, тулки ва айиқ билан шерик бўлиб овга чиқди. Улар ўзаро аҳд қилишиб: «Агар бирор ўлжани қўлга туширсак, аҳиллик билан тенг бўлиб оламиз!» дейишди. Шундай қилиб бир оҳуни қўлга туширдилар. Уни тўртга бўлишиб, ҳар ким энди ўз ҳиссасини олмоқчи бўлиб турганда, шер наъра тортиб деди:

«Сабр қилинг, ҳиссанинг биринчи бўлаги меникидир. Чунки мен ичингизда энг юксак шону шавкатга эга бўлган кишиман. Иккинчи ҳиссани эса мен ҳаммадан кўпроқ ҳаракат қилганим учун оламан. Учинчи ҳисса ҳам менинг ҳаққимдир. Агар кимки бунга рози бўлмаса, ўртага чиқсин, мен у билан яккама-якка жанг қилишга тайёрман!».

Бечора жониворлар индамай қолаверишди.

**Ғулом Муҳаммад ВОСИФ.**

● Ҳакимлар етти гуруҳ билан қўшилишни ва етти тоифадаги кишидан қочишни лозим кўрадилар. Қочиш лозим бўлган етти гуруҳ қуйидагилардир: биринчи — яхшилик ва неъмат ҳақини билмовчи, иккинчидан — ишни чуқур ўйламай бесабаб ғазаб отига минувчи. Учинчи — умрининг узунлигига мағрурланиб, уни фойдали ишга сарфлашни ўйламовчи. Тўртинчи — ўз ишининг асосига макр ва ҳийлани қўювчи. Бешинчи — хиёнат ва ёлғончиликни гуноҳ деб ўйламай, тобора бу йўлдан юрувчи. Олтинчи — ҳашамат ва ҳою ҳавасга берилувчи. Еттинчи — гумон қилишга арзимаган нарса учун ўзидан ўзи ҳадеб гумонсираган киши. Бундай тоифадан доим узоқ юриш лозим.

Яқинлашиш лозим бўлган етти киши эса қуйидагилардир: биринчиси — туз ва неъмат ҳақини билувчи киши. Иккинчиси — вафодор киши. Учинчиси — тўғри сўзли киши. Тўртинчиси — шаҳват ва орзу-ҳавас бандаси бўлмаган киши. Бундай киши ўз манфаати деб одамга зарар етказмайди. Бешинчиси — ғазабини боса оладиган киши. Олтинчиси — кучи ёки моли билан ҳар кимсага ёрдам кўрсата оладиганлар. Еттинчиси — шарм-ҳаёли, одобли киши. Бундай кишиларнинг суҳбатидан одам тўғри йўл топади.

*Форс, араб тилларидан Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржимаси.*

Ўз уйим — жону жаҳоним

# ОДАМЛАР ОСОЙИШТАЛИГИНИ ЎЙЛАБ

***— Бўлар экан-ку, қўшнижон. Ҳаммаёқ мана тинчиди-қолди. Энди бемалол болаларимиз билан ҳовлига чиқсак бўлаверади.***

***— Нимасини айтасиз, дугонажон. Кейинги пайтларда маҳалла ҳовлисидан шундай тезликда машиналар юра бошладики, очиғи бирор кор-ҳол бўлмасайди деб юрак ҳовучлаб юрар эдик. Маҳалламизнинг жонкуяр, фидойи фаолларига минг раҳмат. Уларнинг саъй-ҳаракати билан бу ишлар қилинди...***

Ҳа, ўтган якшанба куни пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги Амир Темур маҳалласида олиб борилган ишлардан кейин бир неча ойлардан бери тақиқловчи белгига қарамай бу ерда юраётган машиналарнинг ҳаракати эрталабгача тўхтади. Одамлар енгил нафас олишиб, тунни хотиржам ўтказдилар...

Гап шундаки, ана шу маҳалла ҳудудида бундан 16 йил муқаддам тажриба тариқасида 20 қаватли осмонўпар турар жой бинолари қад кўтарди. У шаҳримизнинг ўзига хос кўркига айланган гўзал бинолар сифатида кўкка бўй чўзиб турибди. Демак, шу биноларни, у ерда истиқомат қилаётган аҳолини ҳар қандай кўнгилсиз, тасодифий ҳодисалардан сақлаш айни шу кунлардаги муҳим юмушлардан бирига айланди. Лекин афсуски, кейинги пайтларда шундайин ҳам тор бўлган маҳалла ҳовлиси турли-туман машиналарнинг кечаю кундуз кириб чиқадиган жойига айланиб қолган эди. Бу нарса маҳалла оқсоқолини ҳам, унинг фаолларини ҳам ташвишлантирмай қолмади. Улар турли мутасадди идораларга илтимослар билан боришди. Бу ерда маҳалла аҳлининг қилаётган талаби ҳақли талаб деб топилди. Биринчилардан бўлиб бу талабга Мирзо Улуғбек тумани патруль-пост хизматининг бошлиғи Нуриддин Омонбоев ўз муносабатини билдирди. Сўнг йўл-патруль хизмати сафарбарлик гуруҳининг сардори, милиция катта лейтенанти Камолиддин Ўрозалиев ва бошқа йўл соқчилари маҳалла ҳудудига йўлланди. Бинобарин, маҳалла ҳудудига машиналарнинг киришини тақиқловчи белги қўйилишига қарамай ҳеч ким бунга умуман риоя қилмасди. Бунга йўл хизматининг нозирлари ҳам ўзлари жонли гувоҳ бўлишиб, қоидани бузган ҳайдовчилар билан жиддий гаплашишди. Камолиддин Ўрозалиев ўз йигитлари билан бу ерга хоҳлаган пайтда келиб, қоидабузарларни тартибга чақиришга астойдил ҳаракат қилди. Шунда бироз машиналар камайгандек бўлди. Лекин ҳали пировард натижага эришилмаган эди. Шунда маҳалла оқсоқоли, тиниб-тинчимас, фидойи инсон, истеъфодаги генерал Абдулла Ортиқбоев ўзининг салкам 60 йиллик ҳарбий хизмати даврида тўплаган бой тажрибалари асосида иш юритиб, маҳалла фаоллари билан маслаҳатлашиб, 20 қаватли нодир биноларни нияти нопок кимсалардан сақлаш мақсадида ва давлат йўл хизмати қўйиб кетган тақиқловчи белгига монанд тарзда бу ерга махсус машиналардан ташқари бошқа транспорт воситаларининг киришига монелик қиладиган тўсиқлар қўйдирилишига эришилди. Ҳали биз юқорида икки аёлнинг бир-бирига миннатдор бўлиб айтаётган сўзларининг боиси ана шу қўйилган тўсиқлар туфайли бу ерда йўл-транспорт ҳодисаларининг олди олингани, демак бу бинолар олдига шубҳали ёки бегона кимсаларнинг нопок ниятда у ёки бу нарсани олиб келишларига дастлабки ғов қўйилиб, қилинган бу ишга нисбатан билдирган қўллаб-қувватловлари эди...

— Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов доим бизларни огоҳликка даъват этиб келадилар, — дейди маҳалла оқсоқоли, генерал Абдулла Ортиқбоев. — Кейинги пайтларда Россия Федерациясидаги қўпорувчилик ҳаракатлари, қўшнимиз Қирғизистоннинг Боткен туманида динни ниқоб қилиб жойлашиб олган халқаро террорчилар гуруҳининг уюштираётган босқинчилик ҳаракатлари республикамиз фуқароларини, пойтахтимиз меҳнаткашларини асло бефарқ қолдирмаётир. Мамлакатимизда, пойтахтимизда халқимиз осойишталиги, юртимиз тинчлигини таъминлашда Қуролли кучларимиз қатори Ички ишлар ходимлари ҳам ҳар қачонгидан ҳушёррок, сергак бўлиб туришибди. Бу ҳақда мен «Тошкент оқшоми» газетасининг куни кеча чоп этилган сонидаги «Хавфсизлигимиз — қўлимизда» сарлавҳали мақолани батафсил ўқиб чиқдим ва пойтахтимиз Ички ишлар ходимлари ҳар биримизнинг хавфсизлигимизни, уйларимизнинг осойишталигини таъминлаш борасида қилаётган ишларидан кўнглим янада тўқ бўлди. Лекин бизлар ҳам асло томошабин бўлиб қараб турмаслигимиз керак. Айниқса, маҳаллаларда, турар жой даҳаларида ўз уйимизни, ўзимизни асраш ва сақлаш учун аниқ ва дадил саъй-ҳаракатлар қилишимиз керак. Бу гап хусусан бизнинг 20 қаватли турар жой биноларимизга ҳам тегишлидир. Ана шу боисдан биз маҳалламизга кимлар кириб чиқаётир, қандай машиналар келяпти ва шунга ўхшаш масалаларни доимий диққат марказимизда тутмоғимиз даркор. Президентимизнинг куни кеча Фарғона сафаридан қайта туриб Қўқон аэропортида «Мен учун халқим, юртим тинчлигидан ҳам улуғроқ мақсад, бахт йўқ!» деб айтган гаплари ҳар биримизнинг қалбимизни тўлқинлантириб юборди. Шундай экан, ҳаммамиз сергак ва ҳушёр бўлишимиз, ўз уйимизни, ўзимизни сақлашимиз, асрашимиз ва бу йўлда барча ишларни қилишимиз керак.

Ҳа, маҳалла оқсоқоли Абдулла Ортиқбоевнинг ушбу гаплари замирида катта маъно бор. Россияда, Қирғизистонда кейинги пайтларда рўй бераётган қўпорувчилик ҳаракатларидан сўнг мамлакатимиз ва унинг пойтахти Тошкент шаҳрида ҳам халқимиз осойишталиги, унинг тинчлигини сақлаш борасида жуда катта ишлар амалга оширилмоқда. Буни шаҳримиз, Мирзо Улуғбек тумани, хусусан биз фикр юритаётган буюк соҳибқирон бобомиз Амир Темур номи билан аталувчи маҳаллада ҳам олиб борилаётган тадбирлардан яққол кўришимиз мумкин. Бу ерда маҳалла аҳлининг осойишталигини таъминлашда маҳалланинг фидойи фаолларидан Баҳриддин Маннонов, Ғуломжон Зокиров, Солиҳ Ёқубов, Сарвар Алиев, Лев Тах, Жасур Миркамолов, Собир Мансуров, Рихсибой Бегматов ва бошқаларнинг жонбозликларини алоҳида таъкидлаш керак. Улар ўзларининг дам олиш кунлари, ҳордиқ чиқариш онлари пайтларида ҳам маҳалла оқсоқоли, генерал Абдулла Ортиқбоевнинг топшириғи билан бу ерда тунги текширув тадбирларини ўтказмоқдалар. Кечалари бу ерга кимлар келаётир, қандай машиналар бу ерда бўлмоқда — мана шу ва бошқа саволларга жавоб топиш мақсадида ўтказилаётган бундай тадбирлар ўз натижасини бераётир.

Маҳаллаларни Ватан ичидаги Ватан деб атаймиз. Демак, оиламизда, ўзимиз яшаётган маҳаллада ҳушёрлик ва огоҳлик кўрсатсак, ўзимизни, ўзимиз яшаётган уйимизни ўзимиз асраб-авайласак ва бу борада ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб, саъй-ҳаракат кўрсатсак, юртимиз тинчлигини, унинг осойишталигини таъминлашга ҳар биримиз муносиб ҳисса қўшган бўламиз. Амир Темур маҳалласида одамлар осойишталигини ўйлаб олиб борилаётган ишлар эса ҳар қанча мақтовга лойиқ, маҳалла фаолларининг аҳиллик ва ҳамжиҳатлик билан пойтахтимиз тинчлиги ва хавфсизлигини сақлашга ўз улушларини қўшиш мақсадида қилаётган ишлари дарҳақиқат ибратомуздир.

*Хондамир СОЛИҲОВ.*



Сиз қайси газетани ўқишни хоҳлардингиз? Севимли нашрингизга обуна бўлсангиз уни кундалик харид қилиш муаммосидан қутуласиз.

* * *

Шаҳримиздаги 299-болалар боғчасида тарбияланаётган тайёрлов гуруҳларига лотин алифбосини ўргатиш ишлари намунали йўлга қўйилган.



*Қатра*

# ЭҲ, ДУНЁ...

Гумбаз устини аста сийпалаб овоз узатаман:

— Онаси, ҳов онаси...

Туйнукли ҳужайралар, «Физика» тили билан айтганда «Капилляр» найчалар орқали умр йўлдошим Дилбар Йўлчи қизининг қабр гумбази орасидан сирли ғувур садоси эшитилди-да, гумбаз устида енгил шаклу шамойил пайдо бўлди.

— Ҳа, дадаси, бу йил анча кеч йўқладингиз. Йўқловингиз хайрли бўлсин.

— Шукр, дунё ҳам, зурёдлар ҳам соғ-саломат юришибди.

Гўё ҳавоси йўқ коинотда вазнсизлик билан, табиатнинг тортиш кучидан устун ҳолатда, атрофимда бироз учиб юрди-да, аста гумбаз устига ўтириб сўзлай бошлади.

— Ҳаётлик чоғимда «радио»дан бериладиган бир қўшиқ бор эди-ку, тонг чоғида ҳали турмаклашга улгурмаган лаҳзада сочларим пешонамни беркитиб турса, ўша қўшиқни такрорлашни хуш кўрар эдингиз...

— Эсладим, «Пешонангдан ўпай десам пешонанг йўқ». Шаклу шамойил, ним табассум бирла кенг борлиққа термулар экан, аста шивирлайди.

— Дунёлар ҳам жуфт экандир
бугун беҳишт ичрадурман,
Нишонимдан дарак берсам,
деёлмассиз, нишонанг йўқ.
Жавобга тутинаман.

— Имтиҳон эркан бу дунё,
қолдим кузги имтиҳонга,
Ёрлиқни ҳақ берган куни,
дегайдурман, ишоранг йўқ.

— Зурёдларимиз бахтига илоё имтиҳонингиз чўзилиб бораверсин.

— Ташаккур.

— Ҳа, дарвоқе тақдир дарахтингизнинг синган шохини пайвандлаб олдингизми?

— Йўқ.

— Нега, орадан олтмиш фасл ўтиб кетди-ку, ахир. Садоқатнинг ҳам меъёри бўлса керак?..

— Ҳа, гапларинг рост, аммо ундай меъёрларни бобокалонларимиз ўз синовларидан ўтказиб тугатишган кўринади. Менинг тушунчам эса садоқатнинг меъёри йўқдек.

— Янглишяпсиз.

— Сабаб?

— Сабаби шулким, зурёдларни жой-жойига қўймоқ учун ҳам, меҳрибон қўл эҳтиёжи наҳот қийнамаса сизни?

— Қайдам, меҳрибон қўлнинг ўзи бормикан?..

Ҳаётлигида ҳам қитиқ патимга тегиниб, ҳазиллашишни хуш кўрар эди. Ёдига тушиб қолди шекилли, аста табассум билан шивирлайди.

— Фузулий ғазалига ўхшатма айтайми?

— Қани, эшитайлик-чи.

— Кўп вафо этдинг-ку, эй ёр, ором керакмасму сенга.

— ...

— Хайр, Оллоҳ мадад берсин.

Шаклу шамойил гумбаз остига сингиб кета бошлайди.

— Тўхта, яна бироз. Яна бироз... эй бераҳм, эй бераҳм.

Бераҳм ким, билмасдим ўзим.

Чап қулоғим томондаги хонадонлардан бирида тасмага ёзилган Рауф аканинг шеъри билан айтиладиган ҳазин ва кўҳна қўшиқ эшитилади.

«Яна пайдо бўлдим йўлингда,
Йўлларингда яна бўзладим».

Гумбаз қаъридан овоз чиқади.

«Йиғлашдан рўёбга чиқса гар тилак,
Олам бўлар эди йиғи бозори».

Ажаб, ўнг қулоғим томондаги хонадонлар «радио»сидан ҳам Эркин аканинг дилбар қўшиғи янграйди.

«Ерга ёмғир жон берур,
сен мен учун оби-ҳаёт,
Яшнаган боғим, баҳорим,
ҳар замон сенсан ўзинг».

Қўлимда турган Абдулла Ориповнинг сайланма китобини аста очар эканман, ёшли кўзларим ушбу мисраларга тушди.

«Сен дейсан, дилим пок, рашкдан йироқман.
Сен ундинг, мен эса ҳануз тупроқман.
Йўқ, дўстим, мен сендан бечорароқман.
Боқиб бу савдога, ҳайрон ўтдик биз».

Эҳ, дунё... дунё... дунё...

**Турсун МУХАММАД.**

*«Ишонч телефони» хизматингизда*

# БИЗГА ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛИНГ!

***Инсонга берилган умр қисқа. Лекин ана шу оз фурсат ичида кимлардир ўзидан яхши из қолдириб, ҳаёт деб аталмиш бебаҳо неъматнинг барча синовларидан ўтади. Бошқа бировлар эса ана шу берилган қисқа умрни фақат ўйин-кулгу билан ўтказишга, унинг ғанимат дамларини беҳудага сарфлашга уринади. Уларнинг ҳар иккиси ҳам инсон. Лекин уларнинг бирлари меҳр улашиб қадр топса, бошқаси кўпчиликнинг нафратига учраб қаҳр олади. Ана шундай меҳр-муҳаббат билан эъзозланадиган инсонлар қаторида биринчи ўринда устоз-мураббийлар туради. Шу боис бўлса керак, бу сафарги «Ишонч телефони»га қўнғироқ қилган кўплаб муштарийларимиз биринчи муаллималарини газетамиз орқали муборакбод этдилар ва энг яхши эзгу ниятларини изҳор этишди.***

Шунингдек, қўнғироқ қилаётган аёлларимизнинг кўпчилиги мамлакатимизда ҳамда қўшни республикаларда бўлаётган бугуннинг воқеа-ҳодисаларига ўз муносабатларини ҳаяжон билан изҳор этаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

**«Қўшни Қирғизистонда бўлаётган воқеаларни телевизор орқали кўриб, газетадан ўқиб халқ тинчлигини бузаётган ғаламисларга бутун қаҳр-ғазабимни билдираман,** — дейди Бектемир тумани, «Истиқбол» маҳалласидан қўнғироқ қилган Сабохон Ҳайдарова. — **Мен ҳам онаман. Шу боис ҳам ана шундай сотқин кимсаларни тарбиялаган оналарга ачинаман. Ана шунинг учун ҳам истардимки, «Бир болага етти қўшни ота-она» деган нақлга амал қилиб, нафақат ўз фарзандларимизга, балки маҳаллада униб-ўсаётган барча ўғил-қизларимизнинг юриш-туришига кўз-қулоқ бўлиш, уларни тўғри йўлга бошлаш, бугунги кунда ҳар биримизнинг вазифамиздир. Фарзандларимиз камоли, юртимиз равнақи осойишталигимизга боғлиқ экан, тинчликни сақлашга ҳар биримиз ўз улушимизни қўшайлик. Айниқса, биз оналар фарзандларимизга, атрофимизга ҳушёр бўлайлик. Бебаҳо неъмат — Мустақиллигимизни ёмон кўзлардан, ғаламис кимсалардан асрайлик, авайлайлик».**

**«Қирғизистоннинг тинч туманларида аҳолининг осойишталигига раҳна солаётган жангариларнинг хатти-ҳаракатлари биз оналарни бениҳоя ғазаблантирмоқда,** — дейди Яккасарой тумани «Тўқимачи» маҳалласида яшовчи Сабоҳат Эрматова. — **Халқимизда «Қўшнинг тинч — сен тинч» деган ажойиб нақл бор. Шунинг учун ҳам жангариларга нафратимиз чексиз. Ишонамизки, улар ҳеч қачон ниятларига ета олмайди. Барча оналарнинг қарғишлари ватанфурушларни уради. Ана шунинг учун ҳам атрофимизга ҳушёр бўлайлик, нафақат ўзимиз, маҳалламизнинг ҳар бир кунидан хабардор бўлайлик».**

**«Бугунги кунда дўконларимизга кирсак кўз қувнайди, барча нарсалар муҳайё,** — гўшакдан мамнун ҳолда сўзлади ўзини Муҳайё Исматова деб таништирган мирободлик аёл. — **Лекин уларнинг деярли барчаси чет эл моллари. Ўзбекистонимиз мустақилликка эришгандан кейин қанча-қанча корхоналар очилмоқда. Ана ўша корхоналарда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётганидан хабаримиз бор. Шуни истардикки, ўзимизда ишлаб чиқарилаётган сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилувчи дўконлар шаҳримизнинг барча туманларида ташкил этилса. Албатта, бундан харидорлар бир олам қувонишарди».** Ҳа, яхши таклиф ва илтимос. Шубҳасиз, амалга ошса, барча ҳамшаҳарларимиз мамнун бўларди.

Шайхонтоҳур тумани Ипакчилик кўчасида яшовчи 10 нафар оналар номидан қўнғироқ қилган Гулчеҳра Яҳёева шундай деди: **«Болаларимиз 259-болалар боғчасида тарбияланадилар. Яқинда боғчада янги кун тартиби ўрнатилганини эшитиб ҳайрон қолдик. Боғчанинг иш вақти 1,5 соатга қисқартирилди. «Энди болаларингизга кечки овқат берилмайди, уларни соат 14.30 да олишларингиз керак» дейишяпти. Бу 1 октябрдан туман ҳокимлиги қарори билан амалга оширилар экан. Тушунмай қолдик. Аёллар йилида бу биз оналарга кўрсатилаётган «ғамхўрлик»микан? Чунки биз бу пайтда ҳали ишда бўламизку. Энди болаларимиз сарсон бўлишадими?». Албатта, Шайхонтоҳур тумани ҳокимлигидан бу ишга мутасаддилар аёлларга ўз жавобини беришар деган умиддамиз.**

Ҳаёт ўз-ўзидан давом этаверади. Ёш авлод туғилади, бизлар кексаямиз. Кексалик ҳар кимга ҳам насиб этсин. Аммо, кексайганда кимнингдир кўзи хиралашади, кимнингдир оёғи оғрийди, кимгадир касаллиги боис «Тез ёрдам» чақириш, дори-дармон буюриш зарур бўлиб қолади. Ана шундай пайтда беминнат хизматчи — телефон жуда асқотади-да. Мирзо Улуғбек туманида яшовчи шахсий пенсионер Собира опа Муллажонова Эски шаҳарнинг «Лабзак» даҳасида яшовчи қариндошларининг телефони (41-88-31) тез-тез ишламай қолиши, АТСга мурожаатлар бефойда кетаётгани ҳақида куюниб гапирдилар: **«Уй эгаси» Робия Ҳожиматованинг кўзлари ногирон, тез-тез томирлари қочиб туради. Ана шундай пайтда телефон жуда керак бўлади, илтимос бирор чорасини кўрсангизлар».**

Шу хусусда биз Собир Раҳимов тумани телефон тармоғи диспетчери Зилола Аҳмедова билан боғландик. У киши, албатта чора кўришга ваъда бердилар. Ишонамизки, тезда 41-88-31 рақамли телефон «ҳунар» кўрсатишдан тўхтаб, бир маромда хизмат кўрсатади.

Сергели туманида яшовчи пенсионер онахонимиз Ақида Жабборова шундай савол билан мурожаат қилдилар: **«Маҳалла қўмитаси томонидан тўланадиган моддий ёрдам пулини пенсия билан биргаликда туман ижтимоий таъминот бўлимидан олиш мумкинми?»** Юқоридаги саволга мутасаддилардан қуйидаги жавобни олдик: «Маҳалла томонидан ажратиладиган моддий ёрдам пулини пенсияга қўшиб ижтимоий таъминот бўлими орқали тўлаб бўлмайди. Негаки, ижтимоий таъминот бўлими қария ва ногиронларга пенсия тўлашса, маҳалла қўмитасига эса кам таъминланган оилаларга, ишламайдиган оналарнинг 2 ёшгача бўлган болаларига нафақа тайинлаш ваколати берилган».

**Биз ушбу қўнғироқлар орқали бўлаётган мулоқотларни муштарийларимизга етказар эканмиз, озгина бўлсада уларга фойдамиз тегаётганлигидан мамнун бўламиз ва ҳар пайшанба куни 132-11-39 рақамли телефон орқали дил изҳорлари, фикр-мулоҳазалар ва саволларни кутиб қоламиз. Айниқса, Аёллар йилида хотин-қизларимизни ўйлантираётган муаммолар, таклифларни интизорлик билан кутамиз.**

**Бизга қўнғироқ қилинг!**

***Шарифа ИЛЁСОВА.***

*Тошкент шаҳар ҳокимлигида*

# ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИСИГА НАРКОЛОГИК ЁРДАМ КЎРСАТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Сурункали алкоголизм ва гиёвандлик касалига чалинган беморларни даволаш учун ихтисослаштирилган даволаш-профилактика муассасалари тармоғини кенгайтириш тўғрисида»ги 1999 йил 24 август 401-сонли Қарорини бажариш юзасидан, гиёвандликнинг кўпайиб бориши сабабли наркология хизматини такомиллаштириш, унинг моддий-техника базасини яхшилаш, сурункали алкоголизм ва гиёвандлик билан касалланган беморларни аниқлаш, кузатиш ва уларни мажбурий даволашда бошқармалар орасидаги ўзаро алоқаларни кучайтириш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов «Тошкент шаҳар аҳолисига наркологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш тўғрисида» қарор қабул қилди.***

Қарорга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 24 августдаги «Сурункали алкоголизм ва гиёвандлик касалига чалинган беморларни даволаш учун ихтисослаштирилган даволаш-профилактика муассасалари тармоғини кенгайтириш тўғрисида»ги Қарори ижро учун қабул қилинди.

Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси зиммасига:

— ҳайдовчиларнинг мастлик ҳолатини аниқлаш тиббий кўригини ўтказиш учун мавжуд соғлиқни сақлаш муассасаларида қўшимча 4 та пункт ташкил этиш;

— биологик суюқликларда алкоголь ва гиёванд моддаларни аниқлаш учун шаҳар наркология диспансери лабораториясини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаштириш;

— сурункали алкоголизм ва гиёвандлик билан касалланган беморларни хуфя даволашда хўжалик ҳисобидаги бўлимлар ташкил этиш;

— шаҳар наркология диспансерини ўз фаолиятини тўлиқ бажара олмаётган даволаш-профилактик муассасалардан бирининг биносига кўчириш масаласини ҳал этиш вазифаси топширилди.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси, Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, Халқ таълими бош бошқармаси зиммасига:

— наркологик касалларни, шу касалликларга мойил шахслар гуруҳини аниқлаш, кузатиш, профилактика ишларини олиб боришда бошқармалар орасидаги ўзаро алоқаларни талаб даражасида таъминлаш;

— сурункали алкоголизм ва гиёвандлик билан касалланган беморларни мажбурий даволаш бўлимларида ишончли қўриқланишини ташкил этиш учун шарт-шароитлар яратиш;

— икки ойлик муддат ичида ёшлар орасида наркологик касалликларни профилактика этиш дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш вазифаси юклатилди.

Молия бош бошқармаси, ҳокимлик мухосибаси зиммасига:

— 1999-2000 йиллар давомида бюджетдан ташқари ва хусусийлаштиришдан тушган маблағлар ҳисобидан қуйидагиларга молиялаштиришга рухсат бериш;

— Соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг тақдим этган харажатлар режасига биноан шаҳар наркология диспансерини кўчириш ва зарур шарт-шароитлар яратиш учун маблағ ажратиш топширилди.

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Тошкент» газеталари, шаҳар радио ва телевидение студиялари таҳририятлари зиммасига:

— алкоголизмнинг, гиёвандликнинг олдини олишда соғлом турмуш тарзининг ҳал қилувчи аҳамиятини кенг ёритиш топширилди.

*«Оқшом»га хатлар*

# «Намуна»да сув таъминоти намуналими?

Ҳурматли «Тошкент оқшоми» таҳририяти! Биз, Собир Раҳимов туманидаги Форобий кўчасининг «Намуна» тор кўчасида истиқомат қилувчи аёллар сизга бир масалада мурожаат қилишга жазм этдик. Ва ўйлаймизки, бу масалада ўз ёрдамингизни аямайсиз.

Гап шундаки, бизнинг «Намуна» тор кўчамизда 15 йилдан бери сув масаласи жуда ёмон. Кўчамизда сув фақат ёғингарчилик мавсумида бўлади, ёзда эса фақатгина ярим кечаси бир-икки соатгина сув бўлади, баъзи кунларда эса умуман бўлмайди. На кир-чир юва оламиз, на бирор нарса тайёрлай оламиз.

Бу ҳол пойтахтнинг қоқ ўртасида яшаб, сувсиз, гигиена талабларига зид бўлган бундай ҳолга қандай жавоб бериш мумкин? Ариқдан оқаётган сув шундай балчиққи, уни ҳатто ҳовлига ҳам сепиб бўлмайди.

Ушбу масала юзасидан мурожаат қилишимиздан мақсад Аёллар йилида биз хотин-қизларга жуда катта ғамхўрликлар кўрсатилмоқда. Илтимосимиз шуки, зора шу йилда бизнинг кўчамиздаги аёлларнинг ҳам оғирини енгил қилиб, яшашга етарли шароит яратилса. Бизнинг кўчамизда ҳам сув бўлишига ёрдам берсангиз, деб бир гуруҳ аёллар номидан:

***Мунира АШИРОВА,***
***224-мактаб ўқитувчиси, халқ таълими фидойиси.***
***Тамара ДУМАНБЕКОВА,***
***уй бекаси.***
***Моҳира ҲАСАНОВА,***
***Ўзбек-Америка қўшма корхонаси ходими.***
***Жами 14 имзо.***

*Донолар бисотидан*

# АҚЛ КАМАЙТИРИШНИНГ НАҚД ВОСИТАСИ

● Ичкиликбозлик — барча иллатларнинг асоси.

***Абдул ФАРОЖ.***

● Кўпгина ёвузликларнинг сабаби май шишаси тагида ётади.

***И. ВАЗОВ.***

● Мастлик маълум вақтгача бўлса ҳам кишини тубанлаштиради, ақлдан оздиради ва бора-бора уни ҳайвонга айлантиради.

***Ж. РУССО.***

● Маданиятли кишилар ҳам мастликда ўз қиёфаларини йўқотиб, инсонгарчиликдан чиқадилар.

***Жюль ВЕРН.***

● Мастлик ихтиёрий жинни бўлишдир.

***СЕНЕКА.***

● Мастлик аввал юзга ранг берар, сўнгра безрайтирур.

***САЪДИЙ.***

● Маст одамга ёруғ кўча ҳам зулмат.

***К. УШИНСКИЙ.***

● Мастлик ғирт ақлсизлик, у бизни истеъдодларимиздан маҳрум этади.

***СОЛОН.***

● Нодонлар ичкилик ичганда маст бўладилар, бахтсизликда эса ақл-ҳушдан ажраладилар.

***ПИФАГОР.***

● Мунтазам ичиш зарарлидир, у жигар ва мия фаолиятини бузади, асабни бўшаштириб, асаб касаллиги ва бевақт ўлимга олиб келади.

***Ибн СИНО.***

● Ичкилик ичиш заҳар ичиш каби зарарлидир.

***СЕНЕКА.***

Кўпгина тентак ва ақли заифлар ичкиликка берилган ота-оналардан туғилади.

***Ф. БЭКОН.***

● Ичкиликка ружу қўйган аёллардан туғилган болалар ўз оналарига ўхшаган бўладилар.

***АРАСТУ.***

● Кимки ичса, у тубанлик йўлига кирган бўлади.

***Ж. ЧОСЕР.***


# ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Тошкент шаҳар ҳокимлиги Назорат инспекцияси раҳбарининг ўринбосари Даврон Миртожиевга отаси
**Турсун МИРТОЖИЕВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Тошкент шаҳар ҳокимлиги Маданият ишлари бош бошқармаси бошлиғи Рустам Ҳамидовга отаси
**Муҳсин ҲАМИДОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Маданият ишлари бош бошқармаси ва тизимдаги барча муассасалар ходимлари бошқарма бошлиғи Рустам Ҳамидовга отаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист
**Муҳсин ҲАМИДОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Ўзавтотранс» Давлат акционерлик корпорацияси ва Тошкент автомобиль ва йўллар техникуми меҳнат жамоаси профессор
**Худойберган МАМАТОВнинг**
бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндошларига чуқур таъзия изҳор этадилар.

«Тошкент Тадқиқот» (ТошГИИТИ) институти жамоаси институтнинг собиқ директори
**Аҳмад Исломович ИСЛОМОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва дўстларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети жамоаси муншийхона мудираси Лидья Николаевна Нурматовага ўғли
**Игорь Мамадалиевич НУРМАТОВнинг**
бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.



Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-0811. Босмага топшириш вақти 11.30 1 2 3 4 5 6